

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАБОЕВ НОЗИМЖОН БОБОЖОН ЎҒЛИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ КОРПУСНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ
(СОСА мисолида)

10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Атабоев Нозимжон Бобожон ўғли

Инглиз тили корпусининг функционал хусусиятлари

(СОСА мисолида)..... 3

Атабоев Нозимжон Бобожон угли

Функциональные характеристики английских корпусов

(на примере СОСА)..... 27

Ataboev Nozimjon Bobojon ugli

Functional Characteristics of the English Corpora

(on the example of СОСА)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАБОЕВ НОЗИМЖОН БОБОЖОН ЎҒЛИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ КОРПУСНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ
(СОСА мисолида)

10.00.04 – Европа, Америка ва
Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil723 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешабаева Дилфуза Мўминовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Ғанишер Худойкулович
филология фанлари доктори, доцент

Хамроева Шахло Мирджонова
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91; email:uzswiu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» октябрь куни тарқатилди.

(2020 йил «29» октябрь да 12 рақамли реестр баённомаси).

Г.Х. Бокиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг 60-йилларида лисоний корпусларни яратиш ва уларнинг татбиқи билан шуғулланувчи – корпус лингвистикасининг компьютер технологиялари билан ўзаро алоқаси жадаллашди. XIX асрнинг бошларида тилшунослик соҳаси корпус лингвистикасининг назарий тамойиллари шаклланиши натижасида илк намуна – Бровн корпуси яратилди. Натижада, инсониятнинг интеллектуал бойлигини электрон корпус асосида автоматик рақамлаштириш замонавий тилшуносликнинг бугунги кундаги долзарб вазифалари сирасига киритилди. Шу сабабли тил ёки тилнинг муайян қисмини ўзида ифода этган, ёзма ва оғзаки матнларни умумлаштирган электрон лисоний база – корпус таҳлил методларининг амалий ифодаси бўлган миллий корпуслар тил ривожини, лексик қатлам бойиши ва унинг бугунги кунини хусусидаги статистик таҳлилини аниқ сонларда такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда лисоний тадқиқотлар сифати статистик таҳлилларга асосланар экан, соҳада тил корпусларини яратиш амалиётининг самарали натижаси матн таҳлили жараёнида сарфланадиган вақтнинг тежалишига имкон яратади. Лингвистик бирликларнинг хусусиятлари, уларнинг нутқ таркибидаги хоссаларига оид минглаб мисолларнинг конкордансда аниқланиши корпуснинг бирламчи хусусияти саналади. Шу жиҳатдан XXI асрнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўяётган илм-фан компьютерларни амалиётда қўллаш заруратини қўяр экан, корпус лингвистикасининг илмий-назарий тадқиқи барча соҳаларда долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда бугунги кунда кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви чет тилларни мукамал эгаллаган мутахассис кадрларни тайёрлаш каби муҳим вазифаларни белгиламоқда. “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”¹. Шундай экан тадқиқот олиб борилаётган соҳа замонавий илм-фан ривожини сифатида қаралгани боис, уни мамлакатимиз тараққиёти йўлида салмоқли ўзлаштириш бугунги кун талабини ифода этади. Бунда корпус лингвистикасининг тарихий ривожланиш эволюцияси, корпус, уни таснифлаш, қўллаш принциплари таҳлили асосида инглиз тили мавжуд корпусларининг функционал хусусиятларининг назарий тадқиқини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – President.uz сайти, 2020 йил 24 январь. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> [мурожаат санаси: 17.02.2020]

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармони, 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 24 январидagi Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси ҳамда мавзуга оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида Г. Лич биринчилардан бўлиб корпус лингвистикасининг пайдо бўлиши, тараққиёти ҳақида илмий изланиш олиб борди². Замонавий корпус лингвистикаси шаклланишига доир тадқиқотлар С. Хюстон, Д. Бибер, С. Грайс, М. Ҳаллидай ва В. Теуберт каби инглиз олимлари томонидан амалга оширилган³. Рус олимлари В. Баранов ва В. Захаров ишларида корпус лингвистикаси спецификасига, Н. Владимов, С. Вадяев, О. Горкина, В. Мамонтова ва А. Магаметова каби олимлар «корпус лингвистикаси», «лисоний корпус» тушунчаси ва уни таснифлаш муаммоларига атрофлича ёндашганлар⁴. Тожикистонлик олима Д. Джаъфарова тадқиқотида корпус лингвистикасининг компьютер лингвистикаси ва бошқа ўзаро ўхшаш соҳалар билан қиёсий таҳлили амалга оширилган⁵.

² Leech G. Corpora And Theories Of Linguistic Performance. In J.Svartvik (ed.). 1992. – 105–122 pp.

³ Hunston S. Corpora in Applied Linguistics: Cambridge University Press, 2002. – 234 p.; Halliday M.A., Teubert W., Yallop C. and Cermakova A. Lexicology and Corpus Linguistics, – London, 2004. – 184 p.; Gries S.Th. Introduction to S. Gries and A. Stefanowitsch (eds.). Corpora in Cognitive Linguistics: Corpus-based Approaches to Syntax and Lexis. – Berlin: Heidelberg, New York: Mouton de Gruyter, 2006. – 1-18 p.; Douglas B., Ulla C. and Thomas A.U. Discourse On The Move. – Amsterdam, 2007. – 290 p.

⁴ Баранов А.Н. Компьютерная лингвистика // Введение в прикладную лингвистику: учебное пособие. – М.: Едиториал УРСС, 2003. – 320 с.; Захаров В.П. Корпусная лингвистика: Учебно-метод. пособие / В.П. Захаров. – СПб, 2005. – 48с. – Режим доступа:<http://download.yandex.ru/class/zakharov/plan.pdf>; Владимов Н.В. Корпусный подход к решению переводческой проблем (на материале английского и русского языках). Дис...канд. филол. наук. – Москва: РГБ, 2005. – С 26.; Вадяев С.Е. Лингвистические принципы построения и использование корпуса текстов для Исследования официально-делового стиля современного немецкого языка(на материале электронного корпуса «DER») диссер... для кандидата филол. наук. – Самара, 2005. – 160 с.; Горина О.Г. Использование технологий корпусной лингвистики для развития лексических навыков студентов-регионоведов в профессионально-ориентированном общении на английском языке. Дисс. ... канд. пед. наук. – Москва, 2014. – 321с.; Мамонтова В.В. Особенности перевода сложносоставных слов с английского языка на русский (на материале корпуса публицистических текстов). Дис. ... канд. фил.наук. – Ставрополь: 2008. – 139 с.; Магомедова А.Н. Корпусная лингвистика и контекстное разрешение лексической многозначности слов. Дис. ... канд. филол. наук – М.: РГБ, 2005. – 132 с.

⁵ Джаъфарова Д.Ф. Модели лингвистического анализа текстов таджикского языка (на материале газелей Хафиза) дисс. ... канд. фил. наук. – Душанбе, 2013. – 151 с.

Корпус таҳлилларидан луғатшуносликда фойдаланиш борасидаги ишлар А. Килгарриф, К. Изток, Ф. Карлсон ва И. Соженин тадқиқотларида кузатилган бўлса⁶, В. Рыков, А. Романов ва В. Плунгян каби олимлар «корпус» тушунчасини матн таҳлилларида қўллаш методини ишлаб чиқишган⁷.

Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда корпус лингвистикаси методларини қўллаш, мавжуд корпуслардан фойдаланиш борасида кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ж. Жумабоева инглиз тили корпусларидан, хусусан, BNC⁸ таркибидан семантик градацияларни топиш, Г. Эргашева BNC корпуси асосида гендерга оид концептуал метафораларни тадқиқ қилиш, Г. Собирова эса BNC корпусини тилларни ўқитишда қўллашга эътибор қаратган. Ш. Ҳамроева муаллифлик корпусини яратиш муаммосига ечим излаган⁹. Шунингдек, ҳозирда ўзбек тилининг миллий корпуси ҳамда ёш ва жисмоний фарқлиликни ифода этувчи қўллаб лисоний корпуслар яратиш бўйича катта ҳажмли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишларининг “Таржима муаммолари” илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, таржима назарияси ва амалиёти факультетининг илмий режаларига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади корпус лингвистикасининг тарихий ривожланиш эволюцияси, корпус, уни таснифлаш, қўллаш принциплари таҳлили асосида инглиз тили мавжуд корпусларининг функционал хусусиятларини СОСА корпуси мисолида очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корпус лингвистикасининг диахроник тадқиқи ва унинг специфик хусусиятларини, корпус терминининг турлича талқин ва тавсифларини изоҳлаш;

⁶ Kilgarriff A. and Kosem I. Corpus Tools For Lexicographers. – Trojina: Institute for Applied Slovene Studies, 2012. – 37 p. УРЛ: https://www.researchgate.net/publication/264884809_Corpus_tools_for_lexicographers; Karlsson F. Lexicography And Corpus Linguistics. – Helsinki: Department of General Linguistics University of Helsinki, 1992. УРЛ: <http://www.ling.helsinki.fi/~fkarlsson/INTJLLEX.pdf>; Kilgarriff A. Using Corpora [And The Web] As Data Sources For Dictionaries. – Helsinki: 2012. – 21 p. https://www.sketchengine.eu/wp-content/uploads/Using_corpora_2012.pdf; Саженин И.И. Корпусные методы в лексикографии: опыт создания модели Словарного корпуса Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук Новосибирск — 2013. 193 с.

⁷ Рыков В.В. Корпус текстов новый тип словесного единства Текст. / В.В. Рыков. – Электрон, изд. – Режим доступа к изд.: <http://rykov-cl.narod.ru/t31.html>; Романов А.С. Методика и программный комплекс для идентификации автора неизвестного текста: Автореф. дисс....канд. тех. наук. - Томск, 2010. 26 с.; Плунгян В.А. Корпус как инструмент и как идеология: о некоторых уроках современной корпусной лингвистики // Русский язык в научном освещении. – Москва: №2., 2008. – С. 7-20.

⁸ BNC (BritishNationalCorpus) – Британия Миллий Корпуси: 100 миллион сўзли лисоний корпус.

⁹ Сабирова Г. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси: Филол. фалс. д-ри (PhD) ...дисс. автореф. – Тошкент: 2017. – 41 б. URL: <http://uzswlu.uz/media/ba7be50d-84f1-c826-f935-6e7610cb6bf5.pdf>; Эргашева Г. Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар: Фил.фан.д-ри.дисс. автореф. – Тошкент: 2018. – 61 б. URL: <http://demo.navoiy-uni.uz/sites/default/files/ziyonet.pdf>; Джумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2016. – 82 б. URL: http://tashgiv.uz/wp-content/uploads/2017/01/avtoref_jumabayeva.pdf; Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Ф.б. фалс. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши: 2018. – 52 б. URL: <https://e-books.tsue.uz/pdf-ozbek-tili-mualliflik-korpusini-tuzishning-lingvistik-asoslari>

корпус яратиш ва уни қўллашга оид корпус лингвистикаси илмий-тадқиқот методологиясини такомиллаштириш;

экспериментал корпус яратиш орқали корпус лингвистикасининг тил хусусиятларини ёритиш;

корпус таҳлиллари натижасида корпус лингвистикасига оид частотали-изоҳли терминологик луғат яратиш;

мавжуд инглиз тили корпусларининг амалий аҳамиятини очиб бериш;

СОСА¹⁰ корпусининг яратилиш тарихи, унинг таркибий тузилиши, у тақдим этиши мумкин бўлган семантик, синтактик ва морфологик тадқиқотларга оид маълумотлар таҳлилинини келтириш;

СОСА корпусидан олинган маълумотларнинг турли тил соҳибларининг лингвомаданий тушунчаларни англашидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;

СОСА корпусининг луғат корпуси сифатида тақдим этиши мумкин бўлган лисоний статистик маълумотларнинг салмоғини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тили корпуслари, хусусан, замонавий америкача инглиз тили корпуси – СОСА танланган.

Тадқиқотнинг предметини СОСА корпуси мисолида инглиз тили корпусларининг функционал хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда контент таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик, когнитив ва корпус таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корпус лингвистикаси тарихи, тараққиёт босқичлари, таснифлаш муаммоларининг статистик тадқиқи натижасида намунавийлик, мақсадга йўналтирилганлик ва қамровнинг чегараланганлиги каби корпус яратиш мезонлари мукамаллаштирилган; олти методологик тизимга биноан корпус яратиш ва уни амалда қўллаш механизми илмий-назарий далиллар асосида исботланган;

турли форматдаги матнлардан автоматик тарзда корпус яратувчи АнтКонк программаси ёрдамида амалга оширилган экспериментал корпус таҳлили асосида яратилган соҳавий частотали-изоҳли терминологик луғат орқали корпус лингвистикасининг терминологик аппарати бойитилган;

корпусларнинг репрезентативлик хусусиятига кўра корпуслараро (Британия Миллий корпуси – BNC ва Замонавий Америка инглиз тили корпуси СОСА корпуслари мисолида) метафоралар, коллокация (семантик бирикма)лар ва фразеологик бирикмаларнинг статистик таҳлили ёрдамида лингвокультурологик бирикларни қиёслаш имконияти исботланган;

илк бор луғат корпуси сифатида ўрганилган СОСА корпуси лексик бирикларнинг фонетик, орфографик, грамматик ва лексик-семантик хусусиятларини лексикография соҳаси тақдим этгани ҳамда инглиз тили луғатларини такомиллаштиришдаги аҳамияти далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

¹⁰ СОСА (Corpus Of Contemporary American English) – *Замонавий Америка инглиз тили корпуси*: Йиллик ҳисобда 20 миллион ҳажмдаги матнларни ўз ичига олиб борадиган жанрлараро мувозанатли корпус

корпус лингвистикаси методлар тизими такомиллаштирилган;
корпус лингвистикасига оид частотали-таржима-изоҳли терминлар лугати ишлаб чиқилган;

корпуслараро лингвомаданий концептларининг намоён бўлиши очиб берилган;

СОСА корпусининг лексикография соҳасига ижобий татбиқи илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хулосаларнинг ишончлилиги, муаммонинг аниқ баён қилиниши, ишда қўлланиладиган ёндашувлар ва усулларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти изланиш натижаларидан лисоний корпуслар яратиш ва уни мукаммаллаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, корпус лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар олиб боришда илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бугунги кунда илмий изланиш методологияси сифатида қаралаётган бўлса-да, яқин келажакда фан сифатида тараққий этиши кутилаётган корпус лингвистикасини ўқитиш жараёнида дастур, режалар тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда назарий манба вазифасини ўташи, махсус экспериментал корпусларни яратиш ва мавжуд корпусларни қўллаш бўйича амалий намуна бўла олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз тили корпусининг функционал хусусиятларини СОСА корпуси мисолида очиб бериш бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

жаҳон ва ўзбек тилшунослигида корпус лингвистикаси концепциясининг тараққиёт босқичлари, тажриба мактабларини яратиш, таснифлаш мезонлари ва тамойилларининг илмий-назарий тадқиқи орқали корпусларга оид умумий талабларнинг шакллантирилишига оид таҳлиллардан давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилган А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» номли амалий грант лойиҳаси асосида «2014-2016 йилларда нашр этилган тилшунослик фанларига оид мақолаларнинг қисқача мазмуни» («Ўзбек тили ва адабиёти» ҳамда «Филология масалалари» журналлари асосида») номли аудио маълумотлар тўпламини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги № 89-03-2032 - сонли маълумотномаси). Натижада, корпус яратиш, уларни амалда қўллашнинг тизимли методларини такомиллаштиришга доир муаммолар ўз ечимини топган;

эмпирик таҳлил асосида корпус лингвистикасининг яхлит тизим сифатида тадқиқ этилиши ва АнтКонк программаси ёрдамида амалга оширилган экспериментал корпус таҳлиллари натижасида яратилган соҳавий частотали-изоҳли терминологик лугат орқали корпус лингвистикасининг терминологик тизими такомиллаштирилганига оид илмий хулоса ва таклифлардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг «Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (инсон

қиёфаси, феъл-атвори, табиати ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш» номли инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги № 89-03-2032 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши соҳага оид терминларнинг изоҳлаш тамойилларини мукамаллаштирган;

корпусларнинг репрезентативлик хусусиятига кўра, корпуслараро (BNC ва СОСА корпуслари мисолида) метафоралар, коллокация (семантик бирикма)лар ва фразеологик бирикмаларнинг статистик таҳлили ёрдамида лингвокультурологик бирликларни қиёслашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ОТ-Ф1-18 – «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» номли фундаментал лойиҳа доирасида амалга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги № 89-03-2032 - сонли маълумотномаси). Айни натижаларнинг қўлланилиши тил призмаси орқали юзага чиқадиган лингвомаданий концептларни корпус таҳлил орқали чуқурроқ англаш имконини берган;

СОСА корпуси илк бор луғат корпуси сифатида тадқиқ этилиб, лексикография соҳасига тақдим эта олган барча статистик ва амалий натижалар асосида инглиз тили луғатларини такомиллаштириш хусусиятлари аниқланганлиги асосида такомиллаштирилган илмий хулосалар Испаниянинг Барселона шаҳрида жойлашган Помпеу Фабра университети «Таржима ва тилшунослик» кафедраси профессор – ўқитувчилари ҳамда GEDIT (Grup d'Estudis del discurs I de la Traduccio') тадқиқот гуруҳи вакиллари иштирокида ўтказилган илмий семинарда муҳокамадан ўтди ва Университетнинг магистр талабалари диссертацияларида қўлланди (Помпеу Фабра университети «Таржима ва коммуникация» факультетининг 2020 йил 24 январдаги маълумотномаси). Натижада, қўлланилган методдан магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та частотализохли терминологик луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 14 та мақола, улардан 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 189 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва

предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида корпус лингвистикаси концепциясининг тараққиёт босқичлари”** номли биринчи бобида Корпус лингвистикаси(КЛ)нинг диахроник тадқиқи, КЛ спецификаси ҳамда «корпус» тушунчасини таснифлаш муаммосига оид назарий таҳлиллар асосида дунё ва мамлакат миқёсидаги тадқиқотлар таҳлилга тортилган.

КЛ – лисоний корпусларни яратиш ва уларнинг татбиқи билан шуғулланувчи тилшунослик соҳасидир¹¹. Ўз олдида лисоний корпусларни яратишни мақсад қилган КЛ ҳақида чуқурроқ тушунчага эга бўлиш учун унинг ривожланиш тарихига назар ташлаш ўринли. Бу атама XIX асрнинг 60-йилларида яратилган корпуслар амалиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, 1980 йилдан буён компьютер технологиялари асосида амалга оширилмоқда¹².

КЛнинг тараққиёт босқичлари корпуснинг назарий тамойиллари билан узвий боғлиқ. КЛга оид тадқиқотлар тилшуносликда ва тилларни ўқитишни ташкил қилишда XVIII асрдан бошланган бўлса-да, матнларнинг илк электрон лисоний корпуси ўтган асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган. 1961 йилда бошланган лойиҳа натижасида 1964 йилда Бровн университети (АҚШ) олимлари компьютерда (Бровн Корпуси) катта ҳажмдаги матнларни яратишган. У. Френсис ва Г. Кучера Америка нашрининг инглиз тилидаги беш юз икки минг насрий босма нусхасини яратди. Инглиз насрининг ўн бешта энг катта жанрларига тегишли матнлар Америка Қўшма Штатлари босма корпуси материаллари ҳамда унинг асосий статистик қайта ишланиши асосида юзага келган. 1961 йилда корпусдан олинган илк натижалар частота ва алфа-частотали луғат кўринишида чоп этилди. Х. Лингнинг¹³ фикрича, бундай ҳажмли корпуслар фақатгина фонетиканинг ўзига хос томонларини ўрганишда қўлланилган.

Н. Чомский¹⁴нинг фикрича, тилшунос тил моделини яратишда компетенция (competence)га асосланиши шарт, унинг ифода ҳолати (performance) бундан мустасно. У ўзининг юқоридаги назариясини 1950-1960 йилларда эълон қилди, яъни корпуснинг тилшуносликка татбиқини расман рад этди. Ана шу йилгача бўлган давр КЛ тарихида пре-Чомский номини олди. Ўз раддиясига асос қилиб, инглиз тилидаги *perform* феълининг қўлланилиши хусусидаги фикрини келтиради ва Бровн

¹¹ Корпусная лингвистика как раздел языкознания URL: <https://myfilology.ru/177/korpusnaya-lingvistika-kak-razdel-yazykoznaniya/>

¹² https://ru.wikipedia.org/wiki/Корпусная_лингвистика

¹³ Ling X. Cihui Yu.he Jisuan Yu. [Lexical Semantics And Computational Linguistics]. BeijingLingua Publishing house, 1999. – P. 240.

¹⁴ Chomsky N. Current issues in linguistic theory // J.A. Fodor and J.J. Katz. The Structure Of Language. Engelwood Cliffs, New Jersey: 1964, – P. 50–118.

корпусининг имкониятларига нисбатлаб, корпуслар қамровининг паст эканлигини кўрсатади. Бугунги кунда жуда катта ҳажмли корпусларнинг мавжудлиги бу сўз бирикмаси қаторини узоқ давом эттириш имконини беради. Масалан, биз СОСА корпусида кидирувга берганимизда, *perform ability, perform functions, perform tests, perform operation, perform surgery, perform dance* каби кўплаб сўз бирикмаларини аниқладик. Чомский танқиди замонавий инглиз тили корпуслар татбиқига нисбатан қаратилмаганлигига амин бўлдик.

КЛ корпусининг умумий принциплари ва тил хусусиятлари (матнлар корпуси)ни ишлаб чиқиш билан шуғулланар экан, лисоний корпус муайян меъёрлар ва стандартларга мувофиқ тўпланган ва махсус қидирув тизими билан таъминланган матнлар тўплами сифатида қаралади. Баъзан корпус – тўпланган ҳамда сараланган тил, жанр, муаллиф омилига кўра тартибланган матнларни яратиш даврини бирлаштирган тўплам ҳам дейилади.

П.Ю. Довнар ва А.В. Воронцов матн корпусларини яратишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди ва қуйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатади: 1) ҳақиқий маънода лингвистик маълумотларни тақдим этиш; 2) етарлича катта маълумотни тақдим этиш (катта корпус ҳажми билан); 3) матннинг грамматик ва лексик-грамматик таҳлилини ва ҳ.к. сингдириш каби турли хил лисоний вазифаларни ҳал қилиш учун бир марта яратилган корпусдан қайта фойдаланиш имконияти ва бошқ.¹⁵

Дунё тилларининг аксарияти ўз миллий корпусларига эга. Умумий корпусларга мисол сифатида Британия Миллий корпуси (BNC)ни келтириш мумкин. Славян тилларининг корпуслари орасида Прагадаги Чарлз университетига ташкил этилган Чехия Миллий корпуси мавжуд. Миллий корпуслар немис, хитой, француз ва бошқа тилларда ҳам мавжуд. Рус тили учун бундай мавқега эга корпус Россия Миллий корпуси (НКР) ҳисобланади. Афсуски, ўзбек тили ўз миллий корпусига ҳали эга эмас.

Ўзаро яқин лисоний изланиш соҳаларининг муносабати хусусидаги изланишларимиз КЛ спецификаси ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди (1- расмга қаранг):


1. Квантитатив лингвистика ва корпус лингвистикаси тилшунослик соҳалари бўлиб, тўғридан-тўғри унинг муаммоларини ечишга йўналтирилган тармоқдир.

2. Математик лингвистика ва компьютер лингвистикаси тилшунослик билан ўзаро алоқадор тармоқлар сифатида унинг муаммоларини ечиш учун математик ва техник таъминот ишлаб чиқишни мақсад қилади.

3. Амалий лингвистика – Фарбда «applied linguistics» номи билан тарқалган соҳа сифатида компьютер қурилмаларидан фойдаланишдан манфаатдор барча соҳаларни қамраб олади ва юқоридаги тўрт соҳа билан ўзаро бир томонлама алоқага киришади.

¹⁵ Довнар П.Ю., Воронцов А.В. Лингвистический процессор китайского языка. Особенности разработки (рус.)// Международный конгресс по информатике: информационные системы и технологии: материалы международного научного конгресса 31 окт. — Минск: БГУ: БГУ, 2011.

4. КЛни лингвистиканинг мустақил соҳаси сифатида қараш асослидир. Бироқ КЛ ўз ривожда математик лингвистикадан лисоний ҳисоб-китобларга керакли формулаларни, квантитатив лингвистикадан миқдорий кўрсаткичларни келтириб чиқариш ва улардан хулоса чиқариш учун асосли алгоритмларни олса, компьютер лингвистикасидан автоматлаштирилган компьютер программалари ва қурилмаларини олади ҳамда ўз ютуқларини лисоний изланишларга қаратган ҳолда натижаларини амалий лингвистика билан тил ўқитиш жараёнида қўллаш учун бўлишади.



1- расм. Тилшунослик ва унга алоқадор соҳалараро муносабат шакллари

Бизнингча, КЛга тилшуносликнинг семантика, синтаксис ва шу каби бўлимлари сифатида қараш ноўрин, уни изоҳ ва тасвирлашни талаб этмайдиган методология дейиш мумкин. КЛга лингвистик тадқиқотлар олиб боришга қаратилган методология сифатида қараш Ch.F. Meyer, P. Baker, D. Biber, Y. Kawaguchi, N. Chanyoo, J. Flowerdew, M. Mahlberg, L.C. Steuber, A. Renouf, A. Hardie, R. Love, S. Hunston, P.E. Rayson, M. Fuster, B. Clavel¹⁶ каби кўп сонли олимлар ишларида кузатилди. Бу методологияни тилшуносликнинг биргина соҳаси билан чегараланиб қолмайдиган, балки ҳар қандай лисоний изланишларда қўллаш имконияти мавжуд илмий-тадқиқот методларига эга методология сифатида қараш ўринли.

¹⁶ Meyer Ch. English Corpus Linguistics: An Introduction – Boston: University of Massachusetts at Boston. 2004. – 168 p.; Baker P. Sociolinguistics and Corpus Linguistics: – Edinburgh University Press. 2010. – 189 p.; Biber D., Ulla C. and Upton T.A. Discourse on the Move: – Amsterdam: 2007. – 290 p.; Kawaguchi Yu. and others Corpus-Based Perspectives in Linguistics. – Tokyo. 2007. – 442 p.; Chanyoo N. A Corpus-Based Study Of Connectors And Thematic Progression in The Academic Writing of Thai EFL students: – University of Pittsburgh: 2013. – 146 p.; Flowerdew J. and Mahlberg M. Lexical Cohesion and Corpus Linguistics Amsterdam Philadelphia: 2009. – 125 p.; Lucas C. Steuber Disordered Thought, Disordered Language: A Corpus-Based Description Of The Speech Of Individuals Undergoing Treatment For Schizophrenia. – Portland State University: 2011 – 73 p.; Renouf A. Corpus Linguistics: Past And Present. – Birmingham: University of Central England, – 13 p; Hardie A. and Love R. Corpus Linguistics: 2013. – 376 p.; Hunston S. Corpus Linguistics. University of Birmingham, 2006. – 234–248 pp.; Rayson P.E. Matrix: A Statistical Method And Software Tool For Linguistic Analysis Through Corpus Comparison, Lancaster University: 2002. – 194 p.; Fuster M. and Clavel B. Corpus Linguistics and its Applications in Higher Education University of Valencia: 2010. – 51-67 pp.

КЛ ривожланиш босқичининг илк даврида тадқиқот методи сифатида қаралган ва уни компьютер ва математик ҳисоб-китобларга қаратилган фан тармоқларининг қисми ёки воситаси сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда ўзининг мақсад-вазифалари ва тадқиқот методларига эга методология бўлиб улгурган ҳамда кенг илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Келажакда эса тез суръатда ривожланиб бораётган КЛ барча соҳадаги муаммолар ечимини топишга кучи етадиган лингвистик илмий-тадқиқот парадигмаси ёки мустақил фан сифатида баҳолаш мумкин.

Фикримизча, ҳар қандай лисоний корпус ўз таркибидаги матний элементлар йиғилган тил ёки суб тилнинг лингвистик хусусиятларини очиб бера олиш имкониятига эга бўлган ҳажм ва туркумлардан шаклланган бўлиши шарт. Ушбу хусусият корпуснинг лингвистик тадқиқот амалиётларида қўлланилиши ва уни тилнинг «электрон ҳолати» сифатида қаралишига олиб келади. Бунга эришиш учун эса ҳар бир корпус тузувчи матнларни категориялар асосида йиғиши керак. СОСА таркибидаги оғзаки ва ёзма матнларнинг ҳар бири муайян категорияга ажратилган. Масалан, ёзма – газета материали – газета номи каби аниқ кўрсатилган, белгилаб олинган тартибда матнлар жараёнга тортилиши керак.

Корпус – корпус тузувчининг прагматик мақсадидан келиб чиқиб қатъий тамойиллар асосида шакллантириладиган ва таснифланадиган, репрезентативлик мезонига жавоб бера оладиган, сараланган, етарли ҳажмдаги лисоний матнлар (оғзаки ва ёзма) тўплами бўлиб, ўзида қайта ишлаш, теглаш каби принципларни мужассамлаштирган, асосан компьютер ёрдамида жараёнларни автоматлаштирадиган мукамал тизимли қидирув, ҳаволали натижа ва эмпирик таҳлилга қулай миқдор ҳамда изчилликка эга базадир.

Тадқиқот жараёнида корпуслар таснифини махсус принципларга асосланган ҳолда келтириш, уларни маълум маънода қўллаш соҳаларига кўра туркумлаш, шартли равишда, якуний шаклга келтирилди ва мавжуд терминлардан фойдаланилди. Лисоний корпусларни қўллаш мумкин бўлган соҳалар қаторига қуйидагиларни киритдик: А) таржима амалиёти ва чоғиштирма лингвистика: *махсус/ умумий корпус; қиёсий корпус; бир/кўп тилли корпус; оғзаки/ёзма корпус; Параллел корпус ва ҳ.к.* Б) лексикография: *махсус/умумий корпус; ҳаволали корпус; оғзаки/ёзма корпус; қўш корпус; бир/кўп тилли корпус ва ҳ.к.* В) адабиёт назариясида: *параллел корпус; муаллифлик корпуси; адабий корпус ва ҳ.к.* Г) лингводидактика ва тилларни ўқитиш: *махсус/ умумий корпус; ўрганувчи/ педагог корпуси; кузатув корпуси; оғзаки/ёзма корпус ва ҳ.к.* Д) этимология ва тил тарихи тадқиқи: *махсус/ умумий корпус; тарихий/замонавий; кузатув корпуси; ҳудудий корпус ва ҳ.к.* Бу рўйхатни корпус таҳлилларга таянувчи барча тил хусусидаги назарий ва амалий тадқиқот соҳалари билан давом эттириш мумкин.

Диссертациянинг **“Корпуслар татбиқига оид амалий таҳлиллар: натижа ва ечим”** деб номланган иккинчи бобида КЛ методологияси – корпус таҳлил методлари, махсус корпус ЕСОСЛ асосида корпус

лингвистикасининг тил хусусиятлари ва инглиз тили корпуслари билан ишлаш ва улар тақдим этадиган маълумотлар аҳамияти тадқиқ қилинган.


М.А. Большакова корпусга асосланган тадқиқотида КЛни қуйидаги босқичларга ажратиб кўрсатган¹⁷: *мақсадни белгилаш, ҳавола бериш, яратиш, қидирув ва тушунтириш босқичлари.*

Д.Ф. Джаъфарова¹⁸ КЛда корпус қуйидаги талабларга жавоб бериши кераклигини таъкидлайди: 1) намунавийлик ва репрезентативлик; 2) чегараланган ҳажм; 3) маълумотнинг автоматлаштирилганлиги.

Корпус тамойиллари асосида корпуслар яратиш ҳамда улардан амалий тадқиқотларда қўллашга қаратилган КЛ методологиясини олти та методдан иборат эмпирик тизимга ажратишни лозим топдик:

1) **йўналтирувчи метод.** Бунда корпуснинг *мақсадга йўналтирилганлигига* асосланиб, тузувчи яратаётган лисоний корпусини қандай тадқиқотларга мўлжалланганлигини аниқ белгилаб олиш шарт. Албатта, мақсадли корпуслар таснифига кўра, корпуснинг қайси турига эҳтиёж мавжудлиги ва унинг қандай хусусиятларга эга бўлишига нисбатан муҳим лисоний белгилар аниқланади.

2) **манба билан ишлаш ёки базавий метод.** Бу метод матнларни йиғиш ва йиғилган матнларни саралаш билан ишлашга қаратилади. Бунда корпус таркибига кирувчи матний манбаларга талаблар ишлаб чиқилади ва ҳар бир корпус тузувчи ушбу олти талаб асосида матнларни йиғиши тавсия этилади (2 - расмга қаранг). Бундан ташқари, ушбу босқич ўз ичига матнларни бир муаллиф ижоди, бир жанрга мансублик, таркибий ва соҳавий ўхшашликларга кўра туркумларга бўлиш жараёнини ўз ичига қамраб олади.



2-расм. Корпус матнларига қўйиладиган мезон талаблари

¹⁷ Большакова М.А. Лингвистический контент и программная реализация интеллектуального немецко -русского отраслевого словаря Диссер...канд.фил. наук. – Москва, 2013. – С 56-57.

¹⁸ Джаъфарова Д.Ф. Модели лингвистического анализа текстов таджикского языка (на материале газелей Хафиза) дисс. ... кандидата филологических наук. – Душанбе, 2013. – С 35

3) **метадата кўшиши методларидан** таркиб топади. Бу гуруҳга киритилган методлар корпус таркибига киритиш учун сараланган матнларга ҳаволавий характерга эга маълумотларни кўшишни ўз олдига мақсад қилади. Маълумот базасининг аниқ кўрсатилиши жуда содда метод ҳисобланади ва бу маълумот туркумга кўра (газета материаллари, оғзаки ва ҳ.к.) қидирув имконини беради ҳамда конкорданс қаторида келтирилган мисолда ҳавола тарзида улаб қўйилади. Бу босқичда теглаш методи муҳим бўлиб, бугунги кунда аксарият ҳолларда компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

Тадқиқот жараёнида ҳар бир синтактик қурилма ҳам тегланиши мумкин. Масалан, *I am* структураси PPSS+BEM (PPSS – non-third person nominative personal pronoun ва BEM – am form of Be) (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Феъл формаларининг берилишини теглаш

| | | | | |
|-------------|-----------|-----------|------------|-----------|
| Sing /VB | Be /VB | Do /VB | Have /VB | Go /VB |
| Sings /VBZ | Is/VBZ | Does /VBZ | Has /VBZ | Goes /VBZ |
| Sang/VBD | Was/VBD | Did/VBD | Had/VBD | Went/VBD |
| Singing/VBG | Being/VBG | Doing/VBG | Having/VBG | Going/VBG |
| Sung /VBN | Been /VBN | Done /VBN | Had /VBN | Gone /VBN |

Бунда: VB – *verb* – феъл сўзи учун келган бўлса, унинг таркибига кўшилган Z учинчи шахс бирликда ҳозирги оддий замон кўшимчасидир, D эса ўтган замон шаклида феъл формасини билдирса, G герундий формасини ифодалайди ва N феълнинг сифатдош икки шаклини акс эттиради.

Тег-тизим эса ушбу индивидуал тегларнинг якуний систематик йиғиндиси каби шаклланади. *Penn Treebank* корпуси учун шакллантирилган тег-тизим таркибига жами 48 та теглаш кодлари санаб ўтилган бўлиб, улар сирасига, хусусан, қуйидагилар киритилган: CC – *coordinating conjunction*, CD – *cardinal number*, DT – *determiner*, FW – *foreign word*, JJ – *adjective*, JJS – *adjective in superlative degree*, JJR – *adjective in comparative degree*, NN – *noun*, NNS – *plural noun*, NNP – *proper noun*, RB – *adverb*, RBR – *adverb in comparative degree*, RBS – *adverb in superlative degree* ва бошқалар.

4) **автоматлаштириши методи** (корпусларни тўлиқ электрон шаклга ўтказишга қаратилган). Бу босқичдаги метод барча йиғилган, сараланган, ҳаволали метадатага бириктирилган ва текшириб чиқилган матнларни электрон шаклдаги корпус кўринишига келтириш ҳамда унинг дизайни билан ишлайди. Шунингдек, корпусларда конкордансларнинг шаклланиши, қидирувга берилган сўзнинг ва у бирикиб келган сўзларнинг рангидан тортиб, корпус таҳлил асосида эришилган натижаларни график кўринишларда ифода эта олиши каби кенг имкониятларни ўз ичига олади.

5) **баҳолаш методи**. Бу метод орқали «корпус» тушунчаси тўғрисида билдирилган тамойилларнинг ҳар бирига жавоб бера олиш имкониятини

аниқлаш орқали унинг мукамаллиги белгиланади. Бунда корпуснинг ҳар бир хусусияти баҳоланиши шарт.

б) *частотали қидирув-анализ методи*. Бунда сўзларнинг корпусда қўлланилиш частотасини кўриш орқали хулосалар чиқариш имконини берувчи метод сифатида қараш мумкин. Умуман олганда, барча корпус таҳлилига асосланган таҳлилларда частоталарнинг аҳамияти юқори бўлиб, улар билан ишлаш ҳам аниқ фарқлашни талаб этади. Чунки корпус таркибига кирувчи сўзларнинг қўлланилиш частоталари улар хусусида кенг қамровли хулосаларни чиқаришга имкон яратади. Т.С. Грайс¹⁹ уларни уч турга бўлади: бирламчи частоталар; меъёрий частоталар; логорифмланган частоталар.

Тадқиқотимизда частотали қидирув-анализ методи орқали корпус маълумотларини ўзаро қиёслашни мақсадга мувофиқ деб топдик:

Бирламчи частоталар (Raw frequencies) – қидирувга берилган сўзнинг корпусдаги қўлланганлик частотаси бўлиб, у аниқ сонларда берилади. Масалан, СОСАда *give* феъли 202515 марта қўлланилган, бу унинг бирламчи частотасидир (БЧ).

Меъёрий частоталар (Normalized frequencies) – бу корпуслар кўрсатган аниқ сонли частоталарни 10 нинг даражалари (1000, 1000000 ва ҳ.к.) га нисбатлашдир. Масалан, юқорида келтирилган *give* феълининг МЧсини топиш учун, СОСАнинг умумий миқдорини (УМ), яъни 570 миллионга нисбатан олиб ҳисобланади. Бунда сўзнинг миллионга нисбатланган меъёрий частотаси (МЧ) ини топиш учун унинг БЧ сини 570га бўлиш керак. Қуйидаги формулани тақдим этиш ўринли:

$$\text{МЧ(мил/1)} = \frac{\text{БЧ}}{\text{УМ/1000000}}.$$

Бундан келиб чиқадики, СОСАда *give* феълининг МЧ(мил/1) и тақрибан 355,2 га тенглигини кўриш мумкин. Бу бир тилли корпуслараро ёки турли тилли корпуслараро қиёслашда муҳимдир.

Логорифмланган частоталар (Logged frequencies) – аниқ танлаб олинган асосли ($e = 2,7182818$) логорифмга солинган бирламчи частотадан чиқарилган даража. Яъни логорифм асос ва даража муносабатини кўрсатади. $\log_b x = y$ формуласига қарайдиган бўлсак, $b=10$ бўлса, $x=100$ бўлса, $y=2$ чиқади. Соддароқ айтганда, 10 нинг нечанчи даражаси 100 бўлади саволига жавоб 2 экани тушунилади. Логорифмланган частота(ЛЧ)ни чиқаришда юқоридаги формулада $b=2,7182818$ (асос), $x=202515$ (бирламчи частота) ва бундан логорифм олинса, даража $y=12,218569364782$ эканлиги кўринади ва бу *give* феълининг СОСАдаги қўлланишининг логорифмланган частотасидир.

Бизнингча, ушбу қиёслаш жараёни уч хил кўринишда бўлиши мумкин: *ички қиёслаш; бир тилли корпуслараро қиёслаш; турли тилли корпуслараро қиёслаш.*

¹⁹ Stefan Th. Gries Quantitative designs and statistical techniques/ English Corpus Linguistics edited by Douglas Biber and Randi Reppen. Cambridge, United Kingdom. 2015. – 623 p. 50-71 pp. (52)

Корпус яратиш ва ундан амалий тадқиқотларда қўллашга йўналтирилган КЛ методологиясини олти методлар гуруҳига бўлиб тузишни таклиф қилдик. Айнан шу тизимли методлар узвийлиги орқали КЛнинг тил хусусиятларини ўрганишга қаратилган экспериментал корпус яратишни асосли деб топиш мумкин. Бунга кўра, яратиш режалаштирилган корпус шу жараёнга мос шакллантирилади.

Аввало, корпус яратишдан мақсад белгилаб олингандан сўнг кейинги босқичда ЕСОСЛ корпуси таркибига кирувчи матнлар билан ишланди. Манба билан ишлаш ёки базавий методлар орқали, аввало, корпус матнлари йиғилди. Корпус тамойилларига кўра, ишлаб чиқилган корпус матнларига қўйиладиган мезон талаблари асосида манба қуйидагича ишлаб чиқилди: 1) йиғилган база аутентик материал бўлиб, уларнинг барчаси инглиз тилида ёзилган ҳамда тил соҳиби томонидан таҳрир қилинган илмий маълумотлардир; 2) корпус манбасига танлаб олинган материалларнинг барчаси КЛга оид илмий материаллар; 3) манба аниқ ажратиб олинган туркумларга ўзаро тенг ҳажмда тўпланган (диссертация, китоб ва мақола каби); 4) корпус таркибига кирувчи барча материаллар КЛнинг тил хусусиятларини ўзида акс эттириш имконига эга; 5) манба тўлиқ ёзма нутқ намуналаридан ташкил топган; 6) ЕСОСЛга кирадиган материалларнинг умумий лексик миқдорий ҳажми бир миллиондан кўплиги аниқланди. Шу тарзда матнларни йиғиш ва саралаш ишлари олиб борилди ва бу босқичнинг асосий методларидан бири бўлган белгилаш (mark-up) методининг автоматик тарзда амалга оширилиши кўзда тутилди. Матнлар тури ва соҳаси бир хил бўлганлиги сабабли экстра-матний (extra-textual) маълумотларни қўшиш салмоқли аҳамият касб этмади.

Corpus терминининг грамматик кўплик формаси ўз эквивалентига эга. Бунда *corpora* ва *corpuses* каби шакллар бир хилда муомалада экани айтиб ўтилган. ЕСОСЛда берилган қидирув натижалари ҳар иккала грамматик шаклнинг ҳам мавжуд эканини кўрсатди, лекин *corpora* 13829 мартали БЧни кўрсатган бўлса, *corpuses* 53 марта қўлланилгани далилланди. Бундан инглиз тилида *corpus* терминининг грамматик кўплик шакли сифатида *corpora* кенгроқ қўлланилиши аниқ бўлди. Лекин ўзбек тилида ҳар иккаласи маъно жиҳатидан кўпликни англатгани боис бу шакл *корпуслар* тартибида берилди.

Тадқиқот натижасида жами 220 та термин ажратиб олинди ва уларнинг частотаси ЕСОСЛ конкорданс натижалари асосида киритилди. Кичик луғат дизайни “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” форматига мос бўлган яқин шаклда юзага келди. Бунда ҳар бир терминнинг инглиз тилида ва унинг ўзбек тилида тавсия этилган муқобили берилди ҳамда унинг изоҳи келтирилди. Ҳар бир изоҳ олинган манба муаллифи ЕСОСЛ интерфейси берган имконият орқали тезкор топилиб, унга ҳавола (McEnergy, 2006) тарзида берилди. Биз кичик луғатнинг аҳамиятини КЛ соҳаси билан фойдаланишни бошлаган тадқиқотчиларга инглиз тилидаги терминларнинг ўзбек тилидаги муқобили ва изоҳи орқали тушуниш имконинигина бериб қолмай, у айнан, кенг қўлланиладиган терминлардан бошлаб ўрганишни таклиф этишида деб

топдик. Бу ўз ўрнида ўрганувчига соҳани босқичма-босқич кашф этиб боришда, нотаниш терминларни англаш учун замин яратади. Масалан, *корпус* тушунчасини аниқ фаҳмламасдан, унда қўлланиладиган кодлаш тизими бўлмиш *теглаш* атамасини мияда шакллантириб бўлмайди. Шу асосида яратилган ECOLL корпусидан олинган таҳлил натижаларидан фойдаланган ҳолда кичик частотали-изоҳли ва алфавитли-частотали-изоҳли луғат яратилди ва бунда сўзлар мос равишда частотасига ва алфавит тартибига кўра тартибланди.

Шунингдек, ушбу бобда корпус таҳлилларини тилшуносликнинг кўплаб тармоқларида қўллаш ижобий натижаларга сабаб бўлиши асосланди. КЛ ривожда инглиз тилида яратилган ва яратилаётган лисоний корпусларнинг ўз тарихий аҳамияти мавжудлиги назарда тутилган ҳолда инглиз тили лисоний корпусларини тақдим этувчи WWW кенгайтмали электрон манбалар ва улар тақдим этадиган маълумотлар ишда ўз аксини топган. Асосан, учта база кўриб чиқилган: *Sketch engine*, *CoRD*, ва *English-corpora.org*. ҳамда ҳар бир база таркибига кирувчи корпуслар хусусида қисқача тўхталиб ўтилган ва улардан амалий фойдаланишга кириш учун махсус сайтлар ҳаволалари ҳам келтирилган. *English Web 2015 (enTenTen15)*, *BNC* ва *Google Books n-gram* каби инглиз тили корпуслари тақдим этиши мумкин бўлган кенг қидирув ва конкорданс натижалари кўриб чиқилган. Бунда ҳар бир корпуснинг имкониятларини кўрсатиб берувчи оддий ва мураккаб қидирувлар амалга оширилган.

Учинчи боб **“СОСА корпусининг имкониятлари ва ўзига хос хусусиятлари”** деб номланади. Унда СОСАнинг функционал корпус тамойилларга мослиги, унинг афзалликлари, *СОСА* корпус таҳлили натижалари лингвوماданий бирликларнинг куантитатив ифодаси, *СОСА* лексикографияда лисоний маълумотлар тақдим этувчи луғат корпуси таҳлил этилган. Тадқиқот объекти ҳисобланган лисоний корпуснинг юқоридаги талабларни амалга ошириш имкониятларига эътибор берилди. Шунга кўра, замонавий инглиз тили корпусларидан бўлмиш иккинчи авлод вакили – *СОСА* танлаб олинди.

Марк Девизэс раҳбарлигидаги лойиҳа²⁰нинг самарали натижаси сифатида юзага келган 450+ миллион сўзли корпус, *СОСА – Corpus of contemporary American English* (Замонавий америка инглиз тили корпуси) америкача инглиз тилининг *ягона* йирик асосли (balanced) корпусидир. Уни ҳар ой 40 мингдан ортиқ индивидуал фойдаланувчилар ишлатади ва бу уни ҳозирги пайтда энг кўп ишлатиладиган онлайн корпусга айлантиради. Дизайни туфайли, бу лисоний корпус инглиз тилидаги мавжуд ўзгаришларни кўриб чиқиш учун ишлатилиши мумкин бўлган ягона йирик корпусдир. Яъни ҳозирда қарийб ўттиз йиллик тил маълумотларини ўзида жамлаганлиги боис унда шу вақт оралиғидаги тилнинг лексик қатламидаги ўзгаришларни кузатиб бориш мумкин, лойиҳа ҳали яқунланмаганлиги туфайли базага

²⁰[Mark Davies](http://davies-linguistics.byu.edu/personal/), Professor of Linguistics, [Brigham Young University](http://davies-linguistics.byu.edu/personal/). Available at URL:<http://davies-linguistics.byu.edu/personal/>

маълумотлар қўшиш давом этмоқда. *COCA* корпусига кириш English-Corpora.org сайти орқали бўлиб, унда мавжуд корпуслардан бепул фойдаланиш учун рўйхатдан ўтилади. Бу эса уни бугунги кунда энг кўп кириладиган сайтга айлантирган. Масалан, 2019 йил 1 октябрдан 31 октябргача бўлган муддатда сайтдан фойдаланувчилар сони 130 минг нафарга етган. Бир ойда юз мингдан ошган фойдаланувчиларни ўзига жалб этаётган ушбу сайт таркибидаги энг яхши ишланган лисоний корпус – *COCA*дир.

Бугунги кунга келиб эса, 2020 йилнинг март ойида сўнгги бор киритилган база ҳақидаги маълумотларга кўра, *COCA*нинг ҳажми 485202 матнлардан ташкил топган 1 миллиард 1 миллиондан ортиқ сўзни ўз ичига олади ва бу бўлиниш ҳар йил ҳисобига 30 миллион киритилиши натижасида 1990-2020 йиллар оралиғида шакллантирилган. Бу йиллар оралиғида корпус материаллари оғзаки (*spoken*), бадий (*fiction*), машҳур журналлар (*popular magazines*), газета (*newspapers*), илмий журналлар (*academic journals*), онлайн блоглар (*Blogs*), веб саҳифалар (*Web pages*), телевизор ва кино экраности ёзувлари (*TV/Movies subtitles*) каби саккиз соҳага ажратилиб, доимий равишда маълумотлар қўшиб борилган²¹:

*COCA*нинг функционал хусусиятларини очиқ бериш мақсадида унинг семантик, синтактик, фразеологик ва морфологик тадқиқотлардаги аҳамияти ўрганилган. Мисол тариқасида, *сабаб бўлмоқ* маъносида келадиган *cause* ва *result in* феълларининг семантик хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадида *COCA* таркибида бирикиб келадиган сўзлар қидирувга берилди. Бунда *cause* ва *result in* феъллари билан кўп ишлатиладиган тўлдирувчи вазифасида келган отларни қидириш учун корпуснинг тегланганлиги қўл келди. Конкорданс жадвалида *cause* феъли 71078 марта ва *result in* феъли эса 84001 марта қўлланилгани маълум бўлди. *Cause+nn** ва *result in+nn** тартибида берилган қидирувлар натижалари шуни кўрсатдики, мос равишда 4394 ва 2907 ўринда ўзидан кейин от сўз туркумидаги тўлдирувчини олади. *Cause* феълининг тўлдирувчиларига эътибор берилганда, уларнинг деярли барчаси салбий маънони ифодаловчи отлар экани аниқланди. Масалан, *problems, cancer, trouble, harm, damage, disease, pain, illness, injury, stress, infection, discomfort* ва бошқалар. *Result in* феъли эса *death, loss, pressure, discrimination, rape, war, trauma* каби салбий маънони ифодаловчи отлар билан бир қаторда, *changes, chance, negotiations, improvements, power, quality* ва бошқалар каби ижобий тушунчалар билан ҳам бирикиб келиши аниқланди.

КЛ тарихида лисоний корпуслардан фойдаланиб, фразалар ва алоҳида сўзлар тадқиқини илк бор қўллаган олим Ж. Синклайр²² иккита турли фразаларни таҳлил қилади. Улар қуйидагилардир: *naked eye* ва *true feeling*. Ишида келтирилган ибораларнинг қўлланилишига оид мисолларни *BNC*

²¹ Corpus of Contemporary American English//English-corpora.org <https://www.english-corpora.org/coca/>

²² John Sinclair Trust the text: language, corpus and discourse. London: Routledge – 2004. 30-36

